

1940-1980 ЙИЛЛАРИ БУХОРОДА СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИСЛОМИЙ МАРОСИМЛАРГА МУНОСАБАТИ

Юсупов Расулжон Маликович,
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти т.ф.н.,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Андижон, Ўзбекистон.

Ахмедов Абдулхай Тошгўхтаевич
“Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида ислом динига ҳос байрам ва маросимларга, бу борада совет ҳокимиятининг мусулмончилик удумларини чеклашга қаратилган сиёсий муносабатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Ислом, рамазон, қуръбон, хайит, дин, масжид, вилоят, хатим, рўза, бошқарма, эҳсон, ҳукумат, қонун, совет, имом.

Аннотация: В статье исследуется политическое отношение советского правительства среди населения Бухарской области к исламским праздникам и обрядам, и в этой связи советское правительство стремилось ограничить мусульманские обычаи.

Ключевые слова: ислам, Рамадан, Курбан, Хаит, религия, мечеть, провинция, хатим, пост, администрация, благотворительность, правительство, закон, совет, имам.

Abstract: The article examines the political attitude of the Soviet government among the population of the Bukhara region to Islamic holidays and rituals, and in this regard, the Soviet government sought to limit Muslim customs.

Key words: Islam, Ramadan, Kurban, Khait, religion, mosque, province, hatim, post, administration, charity, government, law, council, imam.

Исломга ҳос маросимлар, урф-одатлар халқимиз ҳаётига сингиб кетган ва унинг турмиш тарзига айланиб қолган. Жумладан, Рамазон ва Қуръбон хайитлари мусулмонларнинг анъанавий байрамлари ҳисобланади. Бу

байрамларда инсонлар қариндош-уруғларидан, кексалардан хабар олишган, урушганлар ярашган. Диний байрамлар фуқороларни бир-бирига яқинлаштирган, бирлигини мустахкамлаган. Бу шодёна байрамларни каттаюкичик сабирсизлик билан кутган. Халқимиз бу хайитларни ишламай байрамонга кийиниб, дам олиб, ўйин-кулгу билан ўтказган.

Совет даврида бу байрамни нишонлаш ман этилган эди. Хайит кунлари совет идоралари, корхоналар, хўжаликларда иш куни бекор қилинмаган, дам олиш, байрам қилишга рухсат берилмаган.

1944 йилда Иттифоқ диний ишлар бўйича кенгаш рухсат бериб очилган масжидларда хайит намозлари ўқилди. Ўзбекистон диний ишлар бўйича вакили И. Ибодовга, Бухоро вилояти диний ишлар бўйича кенгаш вакили ёзган ахборотида кўрсатиладики: “Рўза хайит байрами вақтида Бухоро шаҳридаги Хўжа Зайниддин масжидида 4,8 минг сўм йиғилди. Рўза хайит куни вилоят бўйича ҳамаси бўлиб 15 минг сўм йиғилди. Бу пул Тошкентга, Диний бошқарма ҳисобига ўтказилди”[1]. Расмий фаолият кўрсатаётган масжидларда намоз ўқишга рухсат берилган, лекин бошқа масжитларда намоз ўқиш, хатми-Қуръон ўтказиш ман этилган эди. Масалан, Гиждувон шаҳридаги “Сари Мазор” масжидида рўза вақти хатми қурон ўтказилаётган эди. Қуръон ўқилишининг бешинчи куни Гиждувон район ижроия қомита раиси диндорларни масжиддан хайдаб юборган[2].

Ушбу далиллар, манбалар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда. Бу ҳужжатларда Совет ҳукумати мусимонларнинг Рамазон ва Қуръон хайитларини байрам қилиш чеклаганлигини кўрсатади ва асослайди.

Совет ҳукуматининг диний маросимларни чеклашга қаратилган кўрсатмаларига қарамай, динга эътиқод қилувчиларнинг хайит намозида ва тарових, хатми-Қуръонда иштирок этиши йилдан-йилга ортиб борди. Бухоро вилояти диний ишлари бўйича кенгаш вакиллини ахборотида кўрсатилишича, 1956 йил 12 майдаги рўза хайити намозида Бухоро шаҳрида “Хўжа Зайниддин” масжидида 4200-4500 киши қатнашган. 1955 йилда эса

3200 киши қатнашган эди. Шунга мос равишда “Хўжа таббот” масжидида 2000-2900 киши ва 1650 киши, “Тачбанд-Буфон” масжидида 500 киши ва 350 киши. Фактлар кўсатиб турибдики, Рамазон хайити намозида қатнашганлар сони 1956 йилда 1955 йилга нисбатан анжча маълум даражада ортган. Хайит намозида тўпланган эхсон пуллари ёки фитир-садақа 1955 йилда 5242 рубл бўлган бўлса, 1956 йилда у 6654 рублни ташкил қилди.

1956 йилда хайит намозида «Хужа Таббот» масжидида 5156 рубл, «Тачбанд-Буфон» масжидида 3500 рубл тўпланди [3]. Тўпланган пуллар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳисобига ўтказилган.

Бухоро вилояти диний ишлар бўйича кенгаш вакилининг яна бир ахборотида кўрсатиладики, 1981 йилда партия, совет маъмурий органларини рўза бошланганлигидан хабардор қилиб, аҳолии орасида атеистик ишларни кучайтириши ва ёшларни диний маросимларда қатнашишидан чалғитадиган тадбирлар ўтказишни сўраганлиги айтиб ўтилади [4]. Шунингдек, кенгаш вакили ҳукумат руҳсати билан очилган масжидлар ходимлари билан мажлис ўтказиб, диний ишлар тўғрисидаги қонунларни бузмасликка чақирган. Масжидлардан ташқарида фитр-садақа йиғиш тақиқланганлиги, тарових намозга расман руҳсат берилган масжидларда ўтказилиши шарт эканлиги уқтирилган.

Ахборотда кўрсатилишича, рўза ва қурбон хайити аҳоли орасида диний маросимларни ҳаётга тадбиқ қилиш анча жонланган. Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги ибодат қилиш учун расман руҳсат олган масжидларда тарових намози ўқилган ва Диний назоратнинг руҳсати билан Бухоро шаҳридаги Хожа Таббот ва Тачбанд – Буфон масжидларида хатми – Қуръон ўқилган.

Рамазон ойида Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида расмий масжидларнинг имомлари иштирокида 101 хонадонда ифторлик ўтказилган.

Рўза бошланиши билан имомлар ахоли ўртасида ташвиқот ишларини кучайтирган. Масжид имомлари мусулмонларни Рамазон ойида барчани рўза тутишига ва фитр – садақа беришга даъват этган.

Ахборотда имомлар Рамазон ойида жума номозларида қилган маърузаларидан парчалар келтирилган. Имомларнинг ваъзларида Рўза ойида инсонлар ҳақорат сўзларни айтишдан, фитнадан, чақимчиликдан, ёмон ишлардан ўзини тийиши, покиза бўлиши, озода, тоза кийимлар кийиб юриши, етим – есирлардан, ота-она ва қариндош-уруғлардан ҳабар олиш лозимлигини ва худо шундай одамларни яхши кўришини ўқитганлар.

Бухоро ва Гиждувон шаҳарларидаги тўрта рўйхатдан ўтган масжидларда Хайит номози қандай ўтганлиги батафсил баён этилган. Рамазон хайити номозида 4та масжид бўйича 2640 нафар киши иштирок этган. Рамазон ойида ва Хайит номози вақтида йиғилган маблағ 1981 йилда 11891 рубл, 1982 йилда 13183 рублни ташкил қилган бўлса, 1983 йилда 11061 рубл ташкил қилган, бундан фитр садақа 2249 рубл, хайит номози вақтида тушган маблағ 7948 рубл эди[5].

Бухоро вилоятида Хайит номози 4та руҳсат берилган масжидлардан ташқари 10та мазорларда ҳам бўлиб ўтган. Жумладан, Косон районининг Кочон савхозидagi Қўш Кон мазорида, Қорақўл район марказидаги Қобулота мазорида, Шафирикон район марказидаги Хожи Ориф мазорида ва бошқа жойларда руҳсатсиз хайит номози ўқилган. Руҳсат берилган масжидлардаги хайит номозида ўртача 650 нафар одам иштирок этган бўлса, норасмий жойларда Хайит номозларида 20 нафардан 100 нафаргача одам қатнашган[6].

Шунга ўхшаш ахборотлар Ўзбекистон республикаси диний ишлар бўйича кенгаш вакилига барча вилоятларидан юборилган. Бу ҳужжатларни умумлаштириб, республика кенгаш вакили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Министрлар Советига ва Москвага СССР Диний ишлар бўйича кенгашига Рўза ва қурбон хайити Республикада қандай ўтганлиги ҳақида ахборот берган. Шундай ахборотлар ҳар йили йиғилган, умумлаштирилган ва юқори органларга етказилган.

Ўзбекистон диний ишлар бўйича кенгаш вакили 1984 йили 20 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетига Рўза ва қурбон Хайитининг республикада ўтказилганлиги ҳақида ахборот йўллаган[7]. Унда район, шаҳар ижроия комитетлари қошидаги диний маросимлар тўғрисидаги қонунларига риоя қилишни назорат қилишга кўмаклашиш комиссияси аъзолари билан семинар ўтказилганлиги ва улар Рамазон хайити арафасидаги ҳолатни, муқаддас жойларнинг аҳолини ўрганганлиги ва аҳоли орасида диний маросимларни тўғрисидаги қонунларни бузмасликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борганлиги кўрсатилган. Вилоят кенгаш вакиллари масжид ходимлари, унинг ижроия органи аъзолари билан мажлислар ўтказиб, ҳудудини тартибга солиш, тозалikka риоя қилиш, санитария аҳолини яхшилаш, радиостанция қурилмаларидан фойдаланишни чеклаш, ноқонуний маблағ йиғишга йўл қўймаслик, диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиш ҳақида йўл-йўриқ берган.

Республика диний ишлар бўйича кенгаш вакили кўрсатмасига биноан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармаси рўйхатга олинган масжид имом хатиблари орқали илгари қилинган рўза тутиш тартиби тўғрисидаги фатвони, Хайит номози, тарових номозларида ёш болаларни иштирок этиши мумкин эмаслиги, айрим табақа одамлар учун рўза тутиш шарт эмаслиги, норасмий диндорлар томонидан номоз ўқишни бошқариш, маблағ йиғиш, қонунга ҳилоф эканлиги диндорларга тушинтирилган.

Ахборотларда кўрилган чора тадбирларга қарамай, Рўза ва рамазон хайити диний ташкилотлар фаолиятининг жонланишига тасир кўрсатганлиги қайд қилинган. Бундан ташқари бир қанча вилоятларда ҳам масжид имоми ва бошқа ходимлари иштирокида ўтказилган ифторликлар миқдори кўпайганлиги қайд этилган.

Республика ҳукумати ҳузуридаги диний ишлар бўйича кенгаш вакили 1985 йил 4 июлда Ўзбекистон ССР Министрлар советига Рўза ва қурбон хайити қандай ўтганлиги тўғрисидаги ахборотида⁷ рўза арафасида барча

вилоят ва Қорақалпағистон АССР кенгашлари вакилларига кўрсатма хат юборганлигини айтган. Унда жойлардаги Кенгаш вакилларига қуйидаги:

1. тегишли Рахбар органлари билан бирга Рўза вақтида рухонийлар томонидан диний маросимлар тўғрисидаги қонунларни бузилишининг олдини олиш бўйича тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш:
2. диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга риоя қилишни назорат қилишга кўмаклашиш комиссиялари аъзолари билан йўлланма берувчи кенгаш ўтказиш ва уларга қишлоқ советлари, маҳалла комитетлар билан бирга жойларда диний ҳолатни ўрганиш, аҳоли орасида тушунтириш ишлар олиб бориш, масжидлардан ташқари жойларда фитр – садақа тўплаш, болалар ва ёшларни рўза тутиш, хайит номозига жалб қилиш мумкин эмаслигини тушинтириш лозимлигини уқтириш:
3. масжид ходимлари билан мажлис ўтказиб, уларга радиотрансляция жойлардан тўғри фойдаланишга, қонунга ҳилоф равишда пул йиғиш, диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилишга жавобгарликни юклаш:
4. имом – хатиблар барча масжид қавмига диний назоратнинг рўза тутиш тартиби тўғрисидаги фатвосини тушинтириш, диний тоат-ибодатда ёшларнинг иштироки мақсадга мувофиқ эмаслигини, диний назорат тайинламаган имомлар томонидан хайит номози ташкил қилиш ва пул йиғиш мумкин эмаслигини тушинтириш:
5. бу йили Республика масжидларига хатми Қуръон ўтказиш руҳсат берилмаганлиги муносабати билан аҳолини уйларида бу диний маросим ва ифторликнинг ўтказилишини қатъий назорат қилиб, ҳисобга олиб бориш:
6. имом – хатибларнинг рўза вақтида масжидларда ва хайит номозидаги хутба вазларнинг йўналишга ва мазмунини ўрганиш ва бошқа кўрсатмаларни берган[8].

Шунингдек, Республика диний ишлари бўйича кенгаш вакили кўрсатмаси билан диний назорат рўйхатига олинган масжидлар имом хатиблари орқали диндорларга илгари чоп этилган рўза қоида – тартиблари тўғрисидаги фатво мазмунини, ёшларни хайит номозига жалб этиш нотўғри эканлиги, рухсат берилмаган жойларида диндорлар томонидан хайит номози ўтказилиши қонунга хилоф эканлигини тушинтирилган.

Диний ишлар бўйича кенгаш вакиллари ва партия, совет органлари томонидан масжидлар, диндорлар ҳуқуқларини чеклаш, атеистик ташвиқот натижасида йилдан йилга хайит номозида иштирок этганлар сони, йиғилган маблағ миқдори камайиб борган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 2456-ф, 1-Р, 14-иш, 6-в
2. ўша жойда, 8-в
3. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 245-Ф, 1-Р, 198-иш, 50-В.
4. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 245-Ф, 1-Р, 666-иш, 63-67-В.
5. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 2456-Ф, 1-Р, 666-иш, 68-В.
6. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 246-Ф, 1-Р, 666-иш, 69-В.
7. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 245-Ф, 1-Р, 700-иш, 66-71 В.
8. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 245-Ф, 1-Р, 700-иш, 66-67-В.